

Истиқлол – миллий юксалиш, маънавий покланиш, Ватан ободлиги ва равнақи

Мустақилликнинг йигирма бир йиллик санаси нишонланмоқда. Тарихимизга кириб келаётган бу буюк сана муносабати билан ортга назар солар эканмиз, жамиятда, мамлакатимиз қиёфасида асрларга татигулик сифатий ўзгаришлар юз берганлиги, беқиёс ютуқ ва натижаларга эришганлигимиз билан қониқиш ва қувонч ҳисларини туямиз. Мақсад ва истакларимиз йўлида бир тану – бир жон бўлиб хизмат қилаётган халқимизнинг орзуси - ижтимоий йўналтирилган, бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилиш сари дадил қадамлар қўйилди ва қўйилмоқда.

Узоқ бўлмаган тарихга назар солсак, аввал Россия империяси, сўнгра совет тоталитар тузуми асоратида бўлган, ўтмишда жаҳон цивилизациясида қарвонбошилиқ қилган миллатимизни йўқотишга кўп уринишлар бўлганлигига амин бўламиз. Совет тоталитар тузуми давида ассимиляция сиёсати юритилиб, ўзбек миллатини, миллий урф - одат, анъаналарни, ўзбек тилини йўқотиш орқали халқимизни қориштириб юбориш сиёсати юритилганди. Ассимиляция сиёсати қанчалар “назокат” билан олиб борилган бўлмасин, у зўравонликка, халқнинг қонуний ҳуқуқини чеклашга қаратилганди. Шунинг ўзиёқ ҳар бир кишини бундай сиёсатдан ихлосини қайтарар эди. Халқимизни иймон эътиқодидан, тарихидан жудо қилиш сиёсати юритилганлиги бугун тўла аён бўлди. “Инсон учун тарихидан жудо бўлиш – ҳаётдан жудо бўлиш демакдир” – деб таъкидлаган эдилар Президентимиз И. А. Каримов. Минг шукурки, истиқлол туфайли тарих сахнасида ўз ўрнимиз ва ўз овозимизга эга бўлдик. Олий неъмат ҳисобланган истиқлол туфайли миллий давлатчилигимиз тикланди. Мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқларни сарҳисоб қилсак, улар асрларга татигулик аҳамиятга эга эканлигига амин бўламиз. Ўзбекистон миллий мустақилликни қўлга киритганидан сўнг, миллий анъаналаримиз тикланди, ўзининг миллий давлатчилиги, миллий урф – одатлари, миллий тили ва қадриятларига эга бўлган халқимизнинг руҳи ва

кайфиятида кўтаринки ижобий аҳамиятга молик ўзгаришлар рўй берди. Ҳар бир инсон ўзининг Ватани, она юрти ва унинг маънавий ва моддий бойликларининг эгаси сифатида ҳис қилишдек инсоний туйғулар билан яшай бошлади. Ўзбек халқидаги яратувчилик, ижодкорлик, меҳнатсеварлик, бағрикенглик сингари олий туйғулар юзага чиқиши учун тўла имкониятлар яратилди. Қолаверса, асрлар оша таъқиб ва тазйиқ остига олиб келинган маънавиятимиз сарчашмалари янгидан кўз очди. Дунёвий ва диний илмларнинг улуғ намоёндалари ҳисобланган аллома бобокалонларимизнинг маънавий мероси халқимизга қайтарилди. “Муҳаддислар султони” - Имом ал – Бухорий, “Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи” - Имом Мотуридий ва “Дин ва миллатнинг ҳужжати” - Бурхониддин Марғиновий, “Баҳоуддин Балогардон” – Баҳоуддин Нақшбандий каби юзлаб диний илм дарғаларининг номи ва асарлари элимизга қайтарилганлиги, ота – боболаримизнинг ўғитига айланган “Диний илм – кўнгил чироғи, дунёвий илм – ақл чироғи” деб аталган насихат булоқ кўзини очгани эмасми?.

Истиқлол йилларида маънавий ҳаётимиз ва ахлоқимизда муҳим рол ўйнаган ислом эътиқодини ва диний байрамларимизни нишонлаш бахтига муяссар бўлдик. Юртдошларимизнинг маърифатида, ахлоқида ислом динининг роли бетимсолдир. Каттага ҳурмат – кичикка шафқат – ақида. Ҳаммаси учун асос Қуръони карим. Зероки, Қуръони каримда илм сўзи 754 жойда учрайди, Оллоҳ каломининг 20 дан ортиқ ўрнида тинчликни муҳофаза қилиш таъкидланган. Ўзбекнинг феъл – атворида ахлоқ – одоб меъёрлари ислом маънавияти билан чамбарчас боғлиқ эканлигини тарих яна бир бор ўз чиғириғидан ўтказди. Ўзбек яратувчи, бунёдкор ва эзгу ишларнинг ташаббускоридир. Шунинг учун Президентимиз: “Ўзбекнинг феъл – атвори барчага аён. У ерни, табиатни севади. Дўпписида сув ташиб бўлса ҳам дарахт кўкартиради. Ўзбек том маънода бунёдкордир” – деган фикрларни баён қилган эдилар. Ҳақиқатдан ҳам мустақилликнинг йигирма бир йиллиги даврини сарҳисоб қилар эканмиз, ҳаётнинг турли жабҳаларида эришилган ютуқлар

Ўзбек халқининг нақадар салоҳиятли, миллий интеллектуал ғайриодатий қобилиятга эга эканлигидан далолат бериб турибди.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларининг қиёфаси тубдан ўзгарди. Қадимий шаҳарларимизнинг юбилейлари нишонланиши, асрлар оша яшаб келаётган моддий маданиятимиз кўзгулари бўлган тарихий обидаларимизни таъмирланиши ва жаҳон маданий ёдгорликлари рўйхатига киритилиши, зиёратгоҳлар, муқаддас қадамжоларнинг тикланиши, хуллас бундай хайрли ишларни санаб адоғига етиш қийин. Ўзбекистон ижтимоий – иқтисодий, маданий – маърифий соҳаларда эришган мувоффақиятлар мамлакатимиз истиқболи буюклиги ва истиқлоли умрбоқийлигидан далолат бериб турибди.

Жаҳон иқтисодий инқирози давом этаётган бир пайтда Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланаётганлиги, “Ўзбек модели” нинг ҳаётбахш кучга эгалиги синовдан ўтмоқда. Республикамизда эришилаётган ютуқлар халқаро тузилмалар, жаҳоннинг кўзга кўринган эксперт ва мутахассисларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Юртимиз табиати сахий, ер усти ва ер ости бойликларига бой, энг катта бойлигимиз соз ва унумдор тупроқ, бир йилда 250 куннинг қуёшли бўлишидир. Ватандошимиз Абдурауф Фитратнинг “Мунозара”, “Раҳбари нажот” номли асарларини тадқиқ қилиб, олимлик даражасига эришган япон олими Хисао Куматсу: “Сизда пахта, пилла, тилла, газ, ширин – шарбат мевалар, қовун – тарвуз бисёр, халқингиз меҳнатсиз туролмайди, шунинг учун юртингиз келажаги порлоқ” – деган фикрларни билдирганди. Ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистонда Менделеев даврий системасидаги барча элементларнинг мавжудлиги инкор қилинмас ҳақиқатдир. Ёхуд Ўзбекистон олтини халқаро ЮБИЭС банкида бошқа мамлакатларнинг олтин сифатини меъёрий ўлчови ҳисобланиши ҳам муҳимдир.

Ҳар қандай мамлакатнинг тараққиёти, маънавий юксалиши, илм ва маърифат соҳасидаги ютуқлари билан ҳам ўлчанади. Бугунги кунда Президентимиз таъкидлаганларидек, маънавий баркамол инсонни вояга етказишда таълим ва тарбия бирлигини таъминлаш, шарқона қараш, шарқона

ҳаёт фалсафаси эканлигини унутмаслигимиз керак. Қайсики мамлакат илм ва маърифатни ривожига эътибор қаратмас экан, унинг тараққиёти кемтик бўлади. Истиқлол йилларида “Таълим тўғрисидаги қонун”, “Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури” каби тарихий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва амалда жорий этилиши, ўрта махсус ўқув юртлари ҳисобланган касб – ҳунар коллежлари ва академик лецейларнинг барпо этилиши ҳамда замонавий, жаҳон андозаларига жавоб берадиган таълим тизимининг йўлга қўйилиши каби янгиликларни таъкидламасликнинг иложи йўқ.

Истиқлолнинг 21 йиллик тажрибаси шуни кўрсатдики, эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, истиқбол учун юксак мақсад ва вазифаларни белгиламаслик мумкин эмас. Мамлакатимиз ва халқимиз олдида миллий давлатчилигимизни такомиллаштириш, иқтисодиётни янада юксалтириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жаҳон андозаларига кўтариш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспортни кенгайтириш, қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй – жойлар қуриш тармоқларини кенгайтириш, “инсон танасини қон билан таъминлайдиган ҳаётбахш томирлар” ҳисобланган транспорт – коммуникация тармоқларини жадал ривожлантириш, ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш, янги иш жойларини яратиш, шаҳар ва қишлоқларни янада ободонлаштириш, ҳуллаш бу каби улкан вазифаларни уйдлаш истиқлол истиқболини белгилайдиган муҳим тамойиллардир.

Бу ўринда жамият аъзоларининг йўлчи - юлдузлари ҳисобланувчи зиёлилар, илм ва маориф соҳаси ходимлари Ватан равнақи ва ободлиги йўлида ҳамиша камарбаста бўлмоқлари даркор. Чунки, биз амалга ошираётган ишлар хайрли бўлибгина қолмай, мамлакатимиз цивилизациясига хизмат қилишини унутмаслигимиз керак. Бундан бир ярим асрлар олдин жаҳидчиликнинг “ғоявий отаси” Исмоилбек Гаспирли: “Суюкли дўстларим бизнинг учун энг гўзал иш илм ва маориф ишидир. Энг муқаддас иш илмга, маорифга интилишдир. Чунки, инсонни инсон этган меҳнат ва билимдир. Билим маданий турмуш (цивилизация)га етишиш воситасидир. Маданий яшаш мақсади, усулидир” –

деган тарихий фикр - мулоҳазаларни билдирган эди. Илм ва маориф йўлида ўзининг шарафли меҳнати ва ҳиссасини қўшиб келаётган университетимиз профессор – ўқитувчиларини истиқлолнинг 21 йиллик тўйи билан муборакбод этиб фикримизга президентимизнинг: “Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч - маърифатдир” – каби ибратомуз сўзлари билан нуқта қўйдик.

БухДУ Тарих кафедраси
Прфессори, т.ф.д.

Ҳайитов Ш. А.